



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 27 сентябрь, № 191 (5865)

Жума

хабарлар

■ Наманганд шаҳрида ўтказилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида 371 нафар йигит-қиз, хусусан, касб-хунар коллежалининг 165 нафар битирувчиси иширик этиб, 89 та корхона, муассаса ва ташкилот томонидан таклиф қилинган 1124 та иш ўрни билан танишдилар.

Ёшлар учун иш ўринлари

Пировардида уларнинг аксарияти доимий ишга жойлаши учун йўлланмага эга бўлди. Шу куни вилоят “Сувокова” давлат корхонаси, “Наманганд автотеххизмат” акциядорлик жамияти, “Замин люкс текстиль” масъулияти чекланган жамияти сингари хўжалик юритувчи субъектлар ўз меҳнат жамоаларини кўплаб янги ишлиходимлар билан тўлдиришиди.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбери.

■ Шу кунларда Тошкент вилоятида йўл-транспорт, коммуникация тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган йирик лойиҳалар рўёбга қарарилмоқда.

Йўлсозлар тухфаси

Хусусан, воҳа йўлсозлари саъ-ҳаракати билан “Тошкент — Бекобод” магистралй йўлини Бекород туманинг Бекород туманинг “Ойбек” божхона постигача бўлган 7 километрлик кисми мукаммал таъмиранди. Бунинг учун Республика йўл жамғармасининг 2 миллиард 39 миллион сўмлик маблаги сарфланди. Курилиш-созлаш ишларини “Сайёра-орзу” масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари тез ва сифатли бажаришиди.

Бундан ташқари, тумандаги Гулистан, Жумабозор, Чанок, Мехнатобод каби қишлоқларнинг ённичи йўллари таъмирани, ахолига куляйликлар яратилиди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбери.

■ Кўрғонтела туманинг “Ягона ҳамкор нури” масъулияти чекланган жамиятида тикувчилик маҳсулотлари тайёрлаш ўйлуга кўйилди.

Янги тармок, кенг имконият

— Эллик миллион сўмлик сармоя эвазига амалга оширилган мазкур лойиҳа шарофати билан корхонамизда янги иш ўринлари ённичи таъмида, — дейди жамият раҳбари Санобар Носирова. — Натижада иш кўлами ённичи бирмучча кенгайди. Хусусан, айни пайтда бу ерга ўрнатилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида йилига минг дона кийим-кечак тайёрлаш имкони мавжуд.

Янги тармок шарофати билан корхонада меҳнат килаётган хотин-қизлар сони 87 нафарга ётди.

Одилjon ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбери.

■ Элликкальба тумани ахолисига майший хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган “Ҳамкор” масъулияти чекланган жамияти тўрт киши билан иш бошлаган эди.

Аҳолига манзур хизматлар

Айни пайтда бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 21 нафарга ётди.

— Кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш эвазига ўз фаолиятимизни кенгайтиридик, — дейди тадбиркор Мардон Балқанов. — Бунинг учун банкнинг 170 миллион сўмлик кредити-

дан унумли фойдаланиб, корхонамизни капитал таъмирдан чиқардик. Бугунгина кунда мазкур замонавий мажмудадан жой олган гўзаллик ва либослар салони, тикувчилик цехи, суратхона, фитобар каби шохумалар хизмати махаллий ахолига манзур бўлмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбери.

ФИДОЙИЛИК, ШИЖОАТ, ҚАТЬИЯТ

барча соҳалар қатори мамлакатимиз нефть-газ саноати ишчи ва хизматчилари фаолиятида ённичи ёрқин акс этмоқда

Хеч бир мамлакат иқтисодиётини нефть ва газ саноатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларидан оқ Юртошибимиз ташаббуси билан соҳани барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилиб, тизимда модернизация ишлари амалга оширилди. Хусусан, замонавий корхоналар барпо этилиб, мазкур тармок учун малакали кадрлар тайёрлаш ўйлуга кўйилди. Янгидан-янги конлар ўзлаштирилди. Буларнинг барпи мамлакатимиз энергетика тизимиning равнак топлишига, юртимиз иқтисодий салоҳиятининг ошишига хизмат килаётir. Эришилаётган ўтукларда “Газлинефтгазқазибичиқар” унитар шўъба корхонаси жамоасининг ённичи ёрқин акс этмоқда.



ИСЛОХОТ

зиёд ана шундай фидойи, матонатли ишчи-ходим меҳнат килмоқда. Бу мажмуя табиий газ таркибини олтингугурт бирикмаларидан тозалашга ихтисослаштирилган бўлиб, айни пайтда унда тўртта технологик линия фаолият кўрсатиб турибди.

(Давоми 2-бетда).

МУСТАҲКАМ АСОС, ҚУДРАТЛИ ЗАМИН

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма иккита ўрганилмоқда.

Халқимизда “Эр йигит Ватан учун туғилади”, деган гап бор. Ҳар бир хонадонда ўғил вояга ётар экан, унинг қалби ва шуурига мардлик ҳамда жасорлик, ота-онага, оиласга юргут мухаббат түйгулари сингирлилари. Бинонгарин, она-заминнинг ҳар карич ери мўтабар, уни кўз корачиғидек асрар-авайлаш асл йигит учун ёнг муқаддас ҳамда шарафли вазифадир.

ИФТИХОР

Бизга гуур багишладиган жихати шундаки, буғунгина кунда сон жихатидан иҳам, ҳарқатчан, замонавий талаబларга жавоб берадиган, яхши тайёрларликка эга бўлган ар-

мия сифатида ўзини намоён этайтган Куролли Кучларимиз сафиднинг ўлонларини барчаси ана шундай фазилатларга эга. Эндиликда уларга ҳавас қилиб, ўз хошиш-ирода-

си билан ҳарбий хизматга бориши ва фарзандлик бурчанини адо этиши истагини билдириштган ёшларнинг сафи тобора кенгайтиб бораётганни кўнглиларимизда гуур түйгуларини янада ўйлудиради. Бу ахоли орасида ҳарбий хизматнинг обру-этибори, нуғузи юксалганинг ёрқин тасдиғидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма иккита ўрганилмоқда, мустақил ва суверен давлатга айланганинг барчамизга гуур ва ифтихор багишланмоқда, ҳалқаро кузатувчиларнинг ҳавасини тортмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Туризм:

Иқтисодий ривожланишининг муҳим бўғини

Жаҳон сайёхлик ташкилоти маълумотларига кўра, 2013 йилнинг биринчи ярмида дунё бўйича туризм соҳасида олиб борувчи фирмава компаниялар томонидан салким 500 миллион кишига хизмат кўрсатилган. Бу аввалроқ эксперлар таҳмин қилганидан 1-2 фоиз, ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан эса 5 фоизга кўпдид.

ШАРХ

Ҳалқаро бозор конъюнктурасининг ўзгаришларига қарамай, масалан, бу борада Марказий ва Шарқий Европада 10, Осиё – Тинч океани монтакасида 6, Жануби-Шарқий Осиёда 12, Жанубий Осиёда 7, Америка къитасида 2 фоизлик ўсиш кайдай этилган.

“Ушбу ракамлар туризм иқтисодий юксалишининг муҳим катализатори, экс-

порт ҳажмими ошириш ва иш жойлари ташкил этиш, умуман, социал-иктисодий ривожланишининг асосий таркибий қисми эканлигини яна бир карра тасдиқлади”, дейди Жаҳон сайёхлик ташкилоти Бош котиби Талеб Рифаи.

Дарҳақат, сайёхлик соҳаси хорижий валоатларни кенг жалб этиш, кўшимча иш ўринлари яратиш ва шулар ҳисоби-

га ахоли турмуш даражасини янада яхшилаш, қолаверса, ҳалқаро муносабатларни мустаҳкамлаш каби ўтга долзарб масалаларнинг ижобий ечим топшишида олоҳида аҳамият касб этиди. Шу боис ҳалқаро сайёхлик ташкилоти ўз максад ва вазифаларидан келиб қишиб, доимо ҳалқаро ҳамжамиятни мазкур саноатни фоал кўплаб-қувватлашга қаҳириб келади. Ташкилотнинг 1979 йил Торремолинос (Испания) шаҳрида ўтказилган Баш ассамблеясида “27 сентябрь – Ҳалқаро сайёхлик куни” деб ёзлон килинган.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИР

Самарқанд давлат университетида “Оптика ва фотоника” мавзуда ҳалкаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

ФИЗИК ОЛИМЛAR АНЖУМАНИ

Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги амалий физика илмий тешкириш институти, Вазирлар Маҳкамаси хуздидаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувоффиклаштириш кўмитаси, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда Ҳалқаро лазер асоциияси хамкорлигига ташкил этилган ушбу тадбирда юртимиз ва Япония, Германия, Киргизистон, Қозогистондан ташриф бўйрган олимлар ўз маърузалари билан қатнашди.


— Мазкур анжуманин ўтказишдан асосий мақсад оптика ва фотоника соҳалари ривожланинг замонавий тенденциялари билан танишиш, ҳалқаро илмий ҳамкорликини янада кенгайтиришдан иборат, — дейди Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувоффиклаштириш кўмитаси ижро аппарати раҳбари О. Парпьев. — Тадбирда фотониканинг физикавий масалалари, жумладан, оптика сигналарни қайта ўзгаришиш, уларнинг тарқалиши ҳамда кенг частота диапазонида электромагнит нурланишининг модда билан таъсиришувига багишланган тадқиқот натижалари ҳақида маърузалар тингланди.

Айтиш жоизки, ҳалқаро конференциянинг Самарқандда ўтказилиши беҳиз эмас. Чунки айни пайтда Самарқанд давлат университетида Марказий Осиё ҳамда юртимизнинг жаҳонга машҳур олимлар асос соглан илмий анжуманлар изчил давом этириб келинганини. Бу ерда оптика, ядро физикиси, астрофизика ва бошқа фанлар бўйича ўнга яқин илмий мактаблар шаклланган.

(Давоми 2-бетда).

Газета
ва
газетхон:

ЮЗМА-ЮЗ



Қамрови кенгаймоқда



— 2013 йил якунигача Жиззахнинг Кўйтош радиотелевидение стансиясида рақамили телевидение узаткичи ўрнатилиши рехалаштирилган. Демак, шундан сўнг мазкур вилоят ахолиси ҳам рақамили телевидение имкониятларидан баҳраманд бўлиши мумкин?

Б. УЗОКОВ.
Фориш тумани

М. МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.

Шартнома тузишдаги муҳим жиҳат

— Иккичу ой олдин Тошкент шаҳридан уй сотиб олгандим. Ҳамма расмийлаштириш ишлари, тўловлар рисоладаги бажарилган. Ҳужжатларни нотариус тасдиғидан ҳам ўтказганимиз. Ўшанда хонадоннинг собиқ эгаси пропискасини ҳали ушбу манзуддан чиқартирганинг эди. Буни айтсан, хавотир олмаслигими, тез орада янги ўйига кўчириб ўтказишини билдири. Аммо якунда хорижга кетиб қолибди. Танишларидан суриштирсан, қаҷон қайтишини билмаймиз, дейиши. Энди мен қандай йўл тутишим керак? Бегона одамни унинг иштирокисиз пропискандан чиқартириб юбора оламанми?

Ш. СОАТОВ.
Тошкент шаҳри



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 488-моддасида қайд этилгандек, сотувчи сотиб олганидан кейин қонуга мувоғиб ўй-жой биносидан фойдаланиш хукукини ўзида саклаб коладиган шахслар яшаб турган уй, квартира, ўйнинг ёки квартиранинг бир қисмими сотиш шартномасининг муҳим шарти, бу — шахсларнинг рўйхатини сотилаётган ўй-жой биносидан фойдаланиш хукуклиари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатиди.

Шунингдек, амалиётда ўй-жой олди-сотди шарт-

номалари матнида уй-жойда рўйхатда турган шахсларнинг пропискадан чиқиши мутддатлари ҳам кўрсатилмоқда.

Шартноманинг мазкур банди ижро этилмаган тақдирда, белгиланган тартибда турархойдан фойдаланиши хуқуси йўқотган деб тоғиш ҳакида фуқаролик ишлари бўйича тегишли судга даъво аризаси билан мурожаат қилиниши мумкин.

Д. ЁҚУБОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
Нотариат, адвокатура ва
ФХДЕ органлари
бошқармаси бошлиги.



«Корхона ташкил этмоқчи эдим»



— Йўқ, ундаи эмас. Агар корхона микрофирма ва чиник корхоналар тоғасига кирмаса, Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 23-моддасига мувоғиб, умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Аксинча бўлса, Солик кодексида белгиланган тартибда ягона солик тўловини тўлаш хукукига эга бўлади.

Президентимизнинг 2012 йил

— Юк ташиб хизмати кўрсатадиган корхона ташкил этмоқчи эдим. Эшишимча, юк автомобилларининг русумига қараб солиқ ставкалари белгиланаркан. Шундайми?

О. КАМОЛОВ.
Кармана тумани

25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 2013 йилги асосий макроқисидий кўрсатилчилари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ти қарор 4-банди билан, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб ягона солик тўловини тўловчичар барча шахслар учун (чакка савдо корхоналарни бўндан мустасно) ягона солик тўловининг энг кам миқдорини хисоблашда ягона

база — улар эгаллаб турган ер участкаси майдонидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланадиган ер солигининг уч карра ун карра миқдоридаги суммаси белgilanadi.


Бунда, ягона солик тўловини эгаллаб турган ер участкаси майдонидан келиб чиқсан ҳолда, ҳисобланадиган ер солигининг уч карра миқдоридаги суммасидан бўлмаган миқдорда ҳисоблаш чиқариш ва тўлаш тартиби Адлия вазирлигига 2011 йил 3 марта 2203-сон билан рўйхатга олинган Низом асосида амалга оширилади.

О. РУСТАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Давлат солик қўмитаси
раисининг ўринбосари.

Қайта рентген хавфли эмасми?

— Ўзбекистон Республикаси Соғлини саклаш вазирлигининг санитар қоидалари ва мөъёллари (Сан Пин) №0194-06 ҳужжатининг 6-бўлум, 107-бандида кўрсатилишича, қайта рентген текшируви фақат қасалникнинг ўзгариши ёки бошча белгилари пайдо бўлганда ҳамда қасаллик ҳақида кенг майлумот олиш мақсадида амалга оширилади. Шунингдек, 108-бандида диагностик мақсадда бажариладиган муоязланинг нурланиши миқдори соглом одам учун бир йил мобайнида 1 м3в деб белгиланган. Оёқ суклари бир маротаба рентген графисига қилинганда эса инсон 0,01 м3в нурланиши олади. Демак, хавотирланмассангиз бўлади.

Д. МИРАЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлини саклаш
вазирлиги Давлат-профилактика ёрдами
ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиги.



— Якунда водий вилоятларидан бирига бориб келдим. Йўлда эҳтиётчилигим туфайли автомобилимни давлат рақам белгисини тушириб қўйибман. Бу қаерда содир бўлганидан бехабарман. Шу боис орта қайтиб, босиб ўтган ўйлимни обдан текшириб чиқдим, суриштадим, афсуски, тополадим. Энди нима қилишим керак? Бошқасини олишим мумкиним?

Х. БЕРДИЁРОВ.
Гулистон тумани

— Йўқолган давлат рақам белгиларини олиш учун тураржойнинг бўйича ЙХХБнинг рўйхатлаш — имтиҳон олиш бўлумларига мурожаат қилишингиз керак. У ерда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, жарима тўлаганингиздан сўнг янги давлат рақам белгиларида берилади.

Х. САЙДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳарқати
хавфзилиги бош бошқармаси бошлиги.

Яна саволларингиз борми,
муҳтарам газетхон?
Хатларингизни
кутамиш!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўтқир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозо бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Таҳририятта келган кўләмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтирилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компютер марказида терилид
ҳамда оператор Ж. Тогаев
томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-йи.
Навбатчи хотиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусахид — С. Исломов.